

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
NORMALARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

2022-yil 17-avgust

Yangihayot t.

1.Loyihaning turi:

Shartnoma.

2.Loyihaning nomi:

“Qurilish Pudrat shartnomasi to'g'risida”.

(““YANGI-ZAMON HOUSE” MChJ va Yangihayot tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi 584-sonli Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotini joriy ta'mirlash to'g'risidagi qurilish pudrat shartnoma loyihasi).

Mazkur shartnoma bo'yicha pudratchi tomonidan bajarilgan tanlov natijasida aniqlangan va tanlov komissiyasining qarori (2022 yil 11 avgustdagi elektron bayonnoma) bilan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yig'imlar va ajratmalarini o'z ichiga olgan holda joriy narxlarda «751 157 234» (Etti yuz ellik bir million bir yuz ellik yetti ming ikki yuz o'tiz to'rt) so'mni tashkil etadi

Shartnoma №1-sonli shartnoma loyihasi.

3. Shartnoma ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Yangihayot tuman maktabgacha ta'lim bo'limi.17.08.2022

XULOSA

Shartnoma loyihasi “Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonun, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 20.05.2022-yildagi 276-sonli "Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog'liq tartibtaomillarni tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi Qarori, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 671-702 moddalari, hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi PQ-3953-sonli qarori va amaldagi qonunchilikga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

boshlig'i



Z.Baltabayeva

Пудрат шартномаси

I-сон

2022 йил "16" август

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Янгиҳаёт туман мактабгача таълим бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари У А Пишанбекова бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «"YANGI-ZAMON HOUSE" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Ақилбаев Д. иккинчи томондан мувофик Янгиҳаёт туман мактабгача таълим бўлими буюртмачилигида 584-сонли ДМТТ ни жорий таъмирлаш пудрат шартномасини туздилар.

1. Тарифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

"ижро ҳужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синовни тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

"қурилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

"вақтинчалик ишлар": Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар": - сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик Янгиҳаёт туман мактабгача таълим бўлими буюртмачилигида 584-сонли ДМТТ ни жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил 11 августдаги электрон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда «751 157 234» (Этти юз еллик бир миллион бир юз еллик етти минг икки юз ўттиз тўрт) сўми ташкил этади.

4. Қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга " 1 " иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ишшот нархидаги ишларни энг камда 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- " 1 " иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик ишшотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини сутурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўyxатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **30 кунни** ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказадиган, бу **225 347.170 (икки юз йигирма беш миллион уч юз қирк етти минг бир юз етмиш)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинганда кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишадиган ва унга риоя этилиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириши ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратилиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгиланган бўйича ишларни бажариши ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш

учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини суғуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламининг амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришини;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондолига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборadi.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣй жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣй базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 50 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган

харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Ишларнинг ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган ишлар масалаларини томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иккитомонлиқ суд томонидан кўриб чиқиладиган.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотадиган.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

73. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

XVII. Коррупцияга қарши келишув

74. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

75. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

76. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

77. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликлда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

78. Томонлар шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашини тугрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларини амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муаян ҳаракатларни содир этиш ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қийматликларни ёки мулкрий наф олшиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

Товламачилик қилиш;

Пора сифатида пул тулаш;

Бевосита ва билвосита пора олишга розилик бериш;

томонлар ушбу ҳаракатларга йул қуймаслик бўйича чоралар қурилишига қафолат беради.

79. Агар шартнома бўйича бир томон (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходимининг ахлоққа тугри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчиликл ҳужжатларига зид келадиган ҳатти ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга онд ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан бири орқали хабардор қилиш керак. Коррупция ҳақида хабар беришга мулжалланган ишонч телефони; 99 871 230 37 71

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари:

БУЮРТМАЧИ:

Янгихаёт тумани мактабгача таълим
бўлими

Манзили Янгихаёт тумани спутник 7-14 уй
Х/Р 401722860262927091100251002
ОКЕД: 85100 СТИР 207330386
МФО: 00014

Мудири У А Нишанбекова

М.У. (имзо)



ПУДРАТЧИ:

“YANGI-ZAMON HOUSE” МЧЖ”

Адрес: Ташкент. Мирзо – Улугбек. р-н.
Олимлар куч. 64 А уй
Р/с 2020 8000 9050 7583 2001
Городской филиал АИТБ Ипотека
банк

МФО: 00 419.

ИНН: 306 419 026

ОКЭД: 41 201

РКН-НДС: 327 060 043 853

Б/с: 8000 95-195-54-00

Раҳбар: Акилжон Д.М

М.У. (имзо)



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Харид комиссиясининг раиси
Янгиҳаёт туман мактабгача
таълим бўлими мудири

Нишанбекова У.А
«15» Август 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5072-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман кенгашининг 2022 йил 11 апрелдаги 1-33-76-14-220-К/22-сонли қарорлари асосида «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси» маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани ҳудудида жорий таъмирлаш ишлари бўйича танлов комиссиясининг

1-сонли ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ

«15» Август 2022 йил

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман ҳокимининг 2022 йил 05 майдаги 44-14-220-Ф/22-сонли фармойишига асосан тасдиқланган энг яхши таклифларни танлаш комиссияси таркиби:

Комиссия раиси:	Нишанбекова У.А	- Янгиҳаёт туман МТБ мудири
Комиссия аъзолари:	Эгамов М.М	- Бош ҳисобчи ўринбосари
	Эргашев Б.Х	- Махсус таъмирлаш эксплуатация хизмати бошлиғи
	Тўлаганова Д.М	- 351-ДМТТ директори
	Турсунов З.О	Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари
Комиссия котибаси:	Зиядуллаев А.Э	- Давлат харидлари ва шартномалар бўйича ҳисобчи (овоз бериш ҳуқуқсиз)

Йиғилишни танлов комиссияси раиси олиб борди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5072-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман кенгашининг 2022 йил 11 апрелдаги 1-33-76-14-220-К/22-сонли қарорлари асосида «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси» маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман мактабгача таълим бўлими буюртмачилигида 584-сонли ДМТТ ни жорий таъмирлаш ишлари бўйича келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш..

Комиссиянинг etender.uzex.uz маҳсус ахборот порталида шакллантирилган электрон баёнига асосан иштирокчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, танлаш натижалари эълон қилинганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг талабларига қатъий риоя қилиш бўйича тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лотлар иштирокчилари билан афилланганлик хусусиятига эга алоқадорлар мавжуд эмас.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай муурожаат, таклиф ва норозиликлар келиб тушмади.

Танлашда қатнашган ташкилотлар таклифлари иловадаги жадвалда белгиланган:

71 баллдан паст балл тўплаган иштирокчилар танлов савдоларидан четлаштирилди.

Мазкур объектлар бўйича буюртмачи томонидан белгиланган бошланғич нархлар иловадаги жадвалда кўрсатилган:


Комиссия қарорига асосан Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман кенгашининг 2022 йил 11 апрелдаги 1-33-76-14-220-К/22-сонли қарори асосида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман ҳудудида жорий таъмирлаш ва туман маҳаллари ҳудудларига видеокузатув камералари ўрнатиш ишлари бўйича энг яхши таклифларни билдирган иловадаги жадвалда кўрсатилган ижрочи пудрат ташкилотлари танлов ғолиби деб топилди.


Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича харид комиссияси


ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман кенгашининг 2022 йил 11 апрелдаги 1-33-76-14-220-К/22-сонли қарори асосида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман мактабгача таълим бўлими буюртмачилигида 584-сонли ДМТТ ни жорий таъмирлаш ишлари бўйича etender.uzex.uz портали томонидан шакллантирилган баённомалар асосида иловадаги жадвалда кўрсатилган ғолиб ташкилотлар билан шартномалар тузилсин.

Комиссия аъзолари:

 М.М.Эгамов

 Д.М.Тўлаганова

 Б.Х.Эргашев

 З.О.Турсунов

Комиссия котиби



А.Э.Зиядуллаев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 130742 на приобретение 584-ДМТТ ни жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 11.08.2022

Время рассмотрения 09.08.2022 15:59

Конкурсная комиссия Янгиҳаёт тумани Мактабгача таълики бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	NISHANBEKOVA UMIDA ABDULJABBAROVNA	Бўлим мудитри	Янгиҳаёт МТБ
Член комиссии	TURSUNOV ZAFARXOJA ORIFOVICH	помощник хокима по развитию местной промышленности	хокимият города Ташкента
Секретарь комиссии	ZIYADULLAYEV ABDURAXMON ELMUROD O'G'LI	Davlat xizmatlari va shartnomalar buz'icha mas'ul	Янгиҳаёт тумани МТБ
Член комиссии	EGAMOV MUROD MUZAFFAROVICH	Бош хисобчи ўринбосари	Янгиҳаёт тумани МТБ
Член комиссии	ERGASHEV BABAMURAT XUSHBAKOVICH	Махсус таъмирлаш эксплатация хизмати бошлиғи	Янгиҳаёт тумани МТБ
Член комиссии	TO'LAGANOVA DILFUZA MIRXAYDAROVNA	351-ДМТТ директори	Янгиҳаёт тумани МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.08.2022 года № лота 130742.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 71

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту зданий
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	787 518 076.00
Стартовая сумма	787 518 076.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги (Участка бошлиқлари, ва мастерлар ҳар бир ходим учун 1.5 бал). Ишлаб чиқариш техника бўлими 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга олий маълумотли 1 та мутахассис ходим мавжудлиги Доимий равишда ишловчи 10 тодан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги Ишчи ходимларнинг йиллик ўртача сони 10 кишида иборатлиги. Мехнатни

муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	18	Файл юкланди	15	Экспертная		
BIO KLASS STROY MCHJ	18	Файл юкланди	10	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	18	Маълумотлар бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги сайтидан олинган	15	Экспертная		
ООО OSIYO MAXSUS TEXSANOAT	18	18	10	Экспертная		
"Тошпўлат ота Асатов" х/к	18	Ичилад рўйхати ва иш тажрибалари	10	Экспертная		

Критерий №2 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	5	Файл юкланди	5	Экспертная		
BIO KLASS STROY MCHJ	5	Файл юкланди	0	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	5	Охирги ҳисобот ойидаги яни 2022 йил июль ойидаги ишчилар рўйхати иш ҳақлари келтирилган жадвал (ведомость) тақдим этилди	4	Экспертная		
ООО OSIYO MAXSUS TEXSANOAT	5	5	5	Экспертная		
"Тошпўлат ота Асатов" х/к	5	Ходимларнинг сони ва иш ҳақи	3	Экспертная		

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи

бошланғич нархининг 50% сўмлик ва ундан кўп (Капитал, жорий таъмирлаш). (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	20	Файл юкланди	10	Экспертная		
BIO KLASS STROY MCHJ	20	Файл юкланди	5	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	20	Охириги 3 йилда бажарилган ишлар руйхати ва буюртмачилар билан тузилган шартномалар юкланди	10	Экспертная		
ООО OSIYO MAXSUS TEXSANOAT	20	20	5	Экспертная		
"Тошпўлат ота Асатов" х/к	20	шартномалар ва бажарилган ишлар	15	Экспертная		

Критерий №4 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 25 млн. сўм ва ундан кўп. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. Охириги йилда 100 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм ва ундан юқори Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. Охириги йил бўйича Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп. Охириги йил бўйича Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги ҳисоб рақамида маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғр

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	30	Файл юкланди	25	Экспертная		
BIO KLASS STROY MCHJ	30	Файл юкланди	25	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	30	Банк томонидан такдим этилган маълумотнома, молиявий натижалар ва охириги уч йиллик баланс нусхалари юкланди	25	Экспертная		
ООО OSIYO MAXSUS TEXSANOAT	30	30	20	Экспертная		
"Тошпўлат ота Асатов" х/к	30	Молиявий натижалар ва айланма маблағлар	25	Экспертная		

Критерий №5 Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги Объектнинг жамланма жадвали

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	5	Файл юкланди	5	Экспертная		
BIO KLASS STROY MCHJ	5	Файл юкланди	5	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	5	Ташкилот мутахасислари қурилиш объектнинг жойига чиқиб урганди ва мутасадди ходимлар билан биргаликда бажариладигон ишлар билан танишди	5	Экспертная		
ООО OSIYO MAXSUS TEXSANOAT	5	5	5	Экспертная		
"Тошпўлат ота Асатов" х/к	5	Кўздан кечирганлик ҳақида маълумот ва жамланма жадвал	5	Экспертная		

Критерий №6 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган, кўпи билан 15 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий техник паспорти билан (ёки лизинг шартнома асосида) қурилиш машина ва механизмлар мавжудлиги; Жумладан Қурилиш иншоотларида юк кўтариш қуввати 10 тоннагача бўлган Юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган автотранспорт воситалари Лойиҳани амалга ошириш учун балансида бошқа машина механизмлар мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	22	Файл юкланди	15	Экспертная		
BIO KLASS STROY MCHJ	22	Файл юкланди	0	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	22	Талаб этилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилди	15	Экспертная		
ООО OSIYO MAXSUS	22	22	0	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TEXSANOAT						
"Тошпўлат ота Асатов" х/к	22	Корхона балансидаги ва ижарадаги техникалар	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"Тошпўлат ота Асатов" х/к	787 518 076.00	771 688 962.00 UZS	771 688 962.00	00.00	771 688 962.00	08.08.2022 14:37:50	14.54
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	787 518 076.00	751 157 234.00 UZS	751 157 234.00	00.00	751 157 234.00	08.08.2022 11:54:13	14.93
ООО GREAT BUILDING COMPANY	787 518 076.00	747 785 500.00 UZS	747 785 500.00	00.00	747 785 500.00	08.08.2022 13:22:49	15.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"Тошпўлат ота Асатов" х/к	62.05	14.54	76.59
BIO KLASS STROY MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	63.75	14.93	78.68
ООО GREAT BUILDING COMPANY	62.9	15	77.9
ООО OSIYO MAXSUS TEXSANOAT	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 130742 от 11.08.2022 года на приобретение 584-ДМТТ ни жорий таъмирлаш определила победителем:

"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat
306419026

и резервный исполнитель: ООО GREAT BUILDING COMPANY (305197867)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NISHANBEKOVA UMIDA ABDULABBAROVNA	Согласен	
Член комиссии	EGAMOV MUROD MUZAFFAROVICH	Согласен	

Член комиссии	ERGASHEV BABAMURAT XUSHBAKOVICH	Согласен	
Член комиссии	TO'LAGANOVA DILFUZA MIRXAYDAROVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП